

ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДА КОРРУПЦИЯ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ.

Арипов Алишер Сайфиддинович

*Навоий давлат педагогика институти ижтимоий фанлар кафедрасининг
мустақил тадқиқотчиси. ТЕЛ:+99898-189-78-88 ўзбекистон. Навоий вилояти. Навоий
шаҳри.*

Халқаро ва маҳаллий тус олувчи жиддий геосиёсий янгилашлар, янги кўринишдаги муносабатлар тизимининг шаклланиши, бугунги кунда дунёда кечаётган жараёнлар моҳиятини англамаслик, коррупциянинг жамиятга сальбий таъсирини етарли даражада жиддий баҳолай олмаслик ва бу борада минималлаштириш услублари номукамаллиги у ёки бу мамлакатнинг ўз олдига қўйган мақсадларини рўёбга чиқариш имконини шубҳа остига қўйиши мумкинлигини англаш эҳтиёжини янада оширади.

Шу ўринда, ўта муҳим, аниқ, мукамал, зудлик билан ва мунтазам янгилашиб турувчи билимларга эга бўлиш, коррупция профилактикасининг муҳим йўналишлари бўйича давлат миқёсида сифатли таҳлилий – истиқболни белгилувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқишнинг мустаҳкам механизмини йўлга қўя олиш қобилияти ҳар қандай давлатнинг халқаро нуфузи ва ўзининг ҳаётий муҳим манфаатларини ҳимоя қила олиш имконият даражасининг нақадар юқорилигини кўрсатади.

Назаримизда, коррупцияни олдини олиш фаолиятини кучайтириш, аввало, коррупциявий вазиятни тўғри баҳолаш ва ўз вақтида олдини олиш чораларини кўриш – Ўзбекистон Республикаси барча вазирлик ва идоралари фаолиятининг кун тартибида турган энг долзарб вазифалардан саналади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев: “Асосий қонунимизда умумэтироф этилган демократик принциплар билан бирга, халқимизнинг бебаҳо кадриятлари ва бой давлатчилик тажрибасини ифодалаш муҳим эди. Айнан биринчи Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Конституциямизда “Инсон ва унинг кадр-қиммати” деган улуғ тушунча марказий ўринга қўйилди,¹ деб таъкидлаб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мамлакатимизда доимо асосий вазифа сифатида эътироф этиб келинганлигини таъкидлаб ўтди.

Сўнгги пайтларда мамлакатимизда жиноят ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилган ислохотларнинг бугунги янги босқичида уларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-

¹ Шавкат Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси./ Халқ сўзи., 2016., № 243 (6678) Б.1-3.

шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Хусусан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини атрофлича муҳокама қилиш учун жойларда, биринчи навбатда криминоген вазият номақбул бўлган ҳудудларда фуқароларнинг сайёр қабуллари ҳамда давлат идоралари ва ташкилотлари вакилларининг аҳоли билан учрашувларини ташкил этиш масалалари белгилаб берилди².

Замонавий жамиятда коррупцияга қарши ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларга қонунга ҳурмат ва коррупциянинг ҳар қандай кўринишига мурасасизлик муносабатини сингдириш чуқур аҳамият касб этмоқда. Буюк файласуфлардан бири Марк Цицерон “жиноят қилишга мойиллик жазосиз қолишни билишдан бошланади”, деб қайд этган. Дарҳақиқат, жиноятга жазо муқаррар бўлмаганда жиноятлар кўпайиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Замонавий жамиятда кундан кунга коррупциянинг янгидан-янги кўринишлари гавдаланаётгани, яширин тусга эга бўлган ҳолда ниқоблангани, коррупцияни бошқа ҳатти-ҳаракатлардан фарқлаб, ажратиб олишни қийинлаштириб, бу борада долзарб муаммоларни туғдирмоқда. Бунга инсон омилининг борлиги эса, коррупцияни латентлиги даражасини ошишига сабаб бўлмоқда.

Шу билан бирга замонавий жамиятда сунъий интелект ўта юқори тезликда тараққий этиб, инсоният мисли кўрилмаган имкониятларга эга бўлмоқда. Инсоният яхши яшаш, фаровон турмуш кечириш учун ва узоқ умр кўриш мақсадида ўзларига шароит яратиб шунингдек, фан ютуқларидан унумли фойдаланиш чораларини кўряпти. Кўпгина давлатлар ўз халқини фаровон, тинч ва барқарор яшашини таъминлашни ўзларининг устувор вазифаси ва мақсади қилиб белгилаб олган.

Таъкидлаш керакки, Конституциянинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши қатъий белгилаб қўйилган³.

Дарҳақиқат, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг олий мақсади ҳам халқимизга муносиб турмуш шароитларини яратиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат. Яъни “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”⁴.

Бироқ, замонавий жамият тараққий этган сари биз профилактикасини амалга оширмоқчи бўлган коррупциянинг кундан кунга янгидан-янги қиёфаси намоён бўлмоқда. Албатта, коррупциянинг ҳар қандай янги кўриниши пайдо

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833-сон қарори.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддаси.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.

бўлмасин, ушбу ҳодисаларнинг асосий иштирокчиси инсон бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам энг илғор давлатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, биринчилардан бўлиб, ҳар бир соҳада сунъий интелект хизматидан фойдаланиш даври келди, назаримизда. Сунъий интелект давлат идораларидаги инсон омилини камайтириб, коррупцияни минимал даражага тушуришга ёрдам беради. Чунки инсон иштироки бўлган ҳар қандай муносабатда инсон навси ҳам аралашади, бунинг натижаси эса коррупция демакдир.

Аввало, шунини таъкидлаш лозимки, коррупция инсоният томонидан ўйлаб топилган энг хунук иллатлардан биридир. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасида юксак халқаро мукофотни топшириш маросимидаги нутқида таъкидланганидек “коррупция илллати ҳатто энг қудратли ва энг кучли давлатларни ҳам жар ёқасига олиб келган ва тўлиқ пароканда қилган”. Зеро, коррупция инсонларда Ишонч (давлатга), Интилиш (мақсадга) ва Иштиёқ (муайян фаолиятга) ҳиссини сўндиради⁵. Шунинг учун ҳам келгусидаги жамият ҳаётини режалаштиришда ҳар бир соҳани рақамлаштириш, ҳозирда инсонлар ўзаро муносабатга киришадиган фаолият турларини сунъий интелект иши билан алмаштириш ва ундан самарали фойдаланган ҳолда инсонлар аралашувига йўл қўймаслик таклиф этилади. Зеро, илм-фан ютуқларидан ўз вақтида унумли фойдаланиш мамлакатни ҳар томонлама ривожланишига олиб боради.

⁵ Юсупов А. Коррупцияга қарши кураш – кечиктириб бўлмайдиган вазифа. <https://isrs.uz/uz/smti-ekspertlari-sharhlari>.